

Тошкент кимё-технология институти ректори Б.Ш.Усмоновнинг 2023 йилнинг 5-11 ноябрь кунлари Жанубий Корея Республикаси ва Хитой Халқ Республикасига амалга оширган хизмат сафари бўйича

ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28-февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг 45-банди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2023 йил 31-июль куни тасдиқланган “Энергетика ва кимё саноати соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга алоҳида муҳандислик мактабларини ташкил қилиш бўйича амалий чора тадбирлар режаси” ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2023-йил 6-октябрдаги топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2023-йил 31-июлда тасдиқланган Амалий чора тадбирлар режасининг 1-бандига мувофиқ ишчи гуруҳ таркибида Хитой Халқ Республикасининг Шандун Фанлар Академияси қошидаги Автоматика институти, Жанубий Кореянинг Ульсан университети, Ёнсеи Университети тажрибаларини ўрганиш мақсадида институт ректори Усмонов Ботир Шуқуриллаевич 2023 йилнинг 5-11 ноябрь кунлари хизмат сафарига юборилди.

Ташрифнинг дастлабки кунда делегация аъзолари Ульсан университети ректори профессор Ём Чеон О, корхоналар билан ишлаш бўйича проректори профессор Жае-Шин Лилар билан икки томонлама учрашувлар ўтказдилар. Учрашув давомида дастлаб проф. Б.Ш.Усмонов томонидан ташкил қилинаётган Илғор муҳандислик мактаблари (ИММ) ҳақида маълумот берилди ва ҳамкорлик ўрнатиш бўйича таклифлар киритилди. Бунга кўра, ИММни ташкил этиш, ИММни бошқарув шаклини ишлаб чиқиш, ИММлар учун зарур моддий-техник базани яратиш, ИММ билан етакчи ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари ўртасидаги интеграцияни йўлга қўйишда Корея Республикаси, хусусан Ульсан университети тажрибаларини кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди ва келишувларга эришилди. Учрашув якунига кўра икки ОТМлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.




Шундан сўнг Ульсан университети қошидаги Смарт технологиялар инновацион маркази фаолияти билан танишилди. Ушбу марказ Корея Республикаси ҳамда дунё смарт саноатига робототехника ҳамда дастурий таъминот бўйича ишланмалар етказиб беради.

Ташрифнинг иккинчи кунда делегация аъзолари Ульсан технопаркига ташриф буюришди. Ташриф давомида Технопарк директори Ил-Хван КИМ ва технопарк дирекцияси билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида ТКТИ ректори проф. Б.Ш.Усмонов томонидан Ульсан технопарки вакилларига ТКТИ фаолияти ҳамда ИММларини ташкил қилиш бўйича режадаги ишлар юзасидан ахборот берилди. Музокараларга кўра Ульсан технопарки ташкил этилаётган ИММларида фаолият юритиши режалаштирилган илмий ходимлар ва профессорларнинг амалий кўникмаарини оширишда яқиндан ҳамкорлик қилишига ҳамда улар томонидан технопарк ҳудудида илмий тадқиқотлар ўтказишларига розилик берилди.

Маълумот учун: Ульсан технопарки Ульсан шаҳрининг ишлаб чиқариш корхоналари билан яқин илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, кичик ва ўрта корхоналар учун лаборатория тадқиқотларини олиб боради ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг прототипларини синовдан ўтказилади. Ушбу технопарк Ульсан шаҳрида янги ташкил қилинаётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари учун саноат зонаси сифатида хизмат қилади.

Шундан сўнг, делегация аъзолари технопарк фаолияти билан танишдилар. Учрашувлар якунига кўра Тошкент кимё-технология институти ва Ульсан технопарки ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



Ташрифнинг учинчи кунда делегация аъзолари Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳрида жойлашган Ёнсеи университети қошидаги Илмий тадқиқот марказига ташриф буюрдилар ҳамда марказ директори Донг-Юнг Канг ва лаборатория мудирлари билан учрашдилар. Учрашувда мазкур ҳамда ИММ ўртасида йўлга қўйилиши мумкин бўлган йўналишлар муҳокама қилинди. Марказнинг ташкили ҳамда бошқарув тузилмаси ИММ учун яхши намунавий модель сифатида хизмат қилиши ва бу борада истиқболда ишлар амалга оширилишига келишилди.


Маълумот учун: Ёнсеи университети 1885-йилда ташкил этилган бўлиб ҳозирги кунда Жанубий Корея Республикаси миллий рейтингда 2 ўринда жаҳон университетлари рейтингда 100 таликдан ўрин олган. Умумий ҳисобда университетда 40 мингга яқин талабалар таҳсил олади. Университет қошидаги Илмий тадқиқот маркази илмий изланиш олиб боровчи барча талаба ва ходимларни тадқиқотлар олиб боришлари учун амалий майдон сифатида хизмат қилади. Марказда 30 дан ортиқ турдаги замонавий лаборатория ускуналари мавжуд бўлиб назарий ҳамда амалий кўникмалар бериб борилади.



Хизмат сафарининг иккинчи қисмида Ботир Шукуруллаевч Усмонов Хитой Халқ Республикасига ишчи ташриф билан жўнаб кетди.

Хитой Халқ Республикаси Шандунь Таҳлил ва тест маркази ва Шандунь фанлар академияси Цилу Технология университетида 2023 йилнинг 9 ноябрь куни марказ ва университет раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда Б.Ш.Усмонов томонидан ИММ ҳақида батафсил маълумот берилди ва ҳамкорлик нуқталари кўриб чиқилди. Учрашувда томонлар талабалар амалиётга асосланган ҳолда тайёрлаш ва саноат-университет-тадқиқот ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашдилар. Учрашувда Марказ профессори Вей Лиу кимёвий технологиялар ва кимё саноатида олиб борилаётган илмий ишларга тўхталиб, шўр-ишқорли ерларни экиш технологияси ва ютуқлари билан, марказ директори Вей Лиу тузга чидамли хитой доривор ўсимликларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш билан таништирдилар.

Шундан сўнг, Цилу университети ҳамда ИММ ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, бунда ИММда суперкомпьютерларни ўрантиш ва фойдаланишда Цилу университети тажрибасидан кенг фойдаланишга келишилди. Ушбу марказ билан истиқболда кимё саноати ҳамда экология соҳаларида қўшма илмий тадқиқотлар ва амалий ишлар қилишга келишиб олинди. Музокаралар якунида икки томонлама англашинув меморандуми имзоланди.



Ташрифнинг иккинчи кунда Б.Ш.Усмонов Шандонг Жонгву технология ва инновация институтига ташриф буюрди. Ташриф давомида дастлаб Б.Ш.Усмонов томонидан ИММ ҳақида учрашув қатнашчиларига тақдимот қилинди. Шундан сўнг, Шандонг Жонгву технология ва инновация институти ҳамда Тошкент кимё-технология институти ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ИММни жорий этишда профессор-ўқитувчилар ва ёш олимарни ҳамкор ОТМда стажировка ва малака ошириш имкониятларини йўлга қўйиш, икки томонлама диплом бериш дастурларини жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди. ИММ учун керакли техник воситалар ва асбоб ускуналарни Шандонг Жонгву технология ва инновация институти билан ҳамкорликда кўриб чиқишга келишилди.

Музокаралар якунида Шандонг Жонгву технология ва инновация институти ва Тошкент кимё-технология институти ўртасида ИММни ташкил этишда қатнашиш бўйиша ҳамкорлик шартномаси имзоланди.



Тошкент кимё-технология институти ректори
т.ф.д. ва п.ф.д., проф. Б.Ш.Усмонов
14.11.2023 йил